

# **“SMARTBAZAR” электрон хизмат кўрсатиш майдончасида банк тақдим этадиган хизматлардан фойдаланиш бўйича мижозлар учун**

## **ОММАВИЙ ОФЕРТАСИ**

Мазкур оммавий оферта (кейинги ўринларда - шартнома) Банк тақдим этаётган хизматларни олиш бўйича шартнома тузиш лаёқати ва зарур ваколатга эга бўлган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсларга йўналтирилган расмий таклифи ҳисобланади ҳамда электрон мобил илова орқали амалга ошириладиган хизмат кўрсатишга оид барча талабларни ўз ичига олади. Оферта шартномасининг тарафлари бўлиб “Мижоз”, “Сотувчи” ва “Банк” ҳисобланади ҳамда улар биргаликда “Тарафлар” деб номланади.

**Мижоз** – Банкнинг Электрон молиявий хизмат кўрсатиш майдончаси ёки мобил илова орқали “Сотувчи” тақдим этаётган маҳсулотларни сотиб олиш учун Банк тақдим этадиган хизматларни олувчи жисмоний ёки юридик шахс.

**Сотувчи** - Банкнинг Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ёки мобил иловасига маҳсулотларни тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъект.

**Банк** – Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ёки мобил илова орқали Мижозга ўз хизматларини тақдим этувчи банк (СМАРТБАНК).

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ёки мобил иловада жойлаштирилган молиявий хизматлар мижозлар учун банк хизмати ҳисобланади ҳамда Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ёки мобил иловада Банк тақдим этадиган хизматлардан фойдаланиб “Сотувчи”лар томонидан жойлаштирилган маҳсулотларга буюртма бериш орқали “Мижоз” ушбу оферта шартномасининг барча шартларига ўз розилигини билдиради.

1.2. “Банк” “Мижоз”ни ҳамда “Сотувчи”ларни олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда оферта шартномасининг шартларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига ва бу тўғрисида Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловада маълумот эълон қилинади.

1.3. “Тарафлар” учун мазкур оферта шартномасида белгиланган мажбуриятларнинг амал қилиши улар ушбу шартнома доирасидаги мажбуриятларини тўлиқ бажарганларидан сўнг тугаган ҳисобланади.

1.4. “Банк” Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ёки мобил иловага тақдим этилиши мумкин бўлган барча хизмат турлари ҳақида маълумотларни жойлайди.

1.5. “Мижоз” “Банк”нинг ҳамкори саналмиш “Сотувчи”лар таклиф қилаётган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун “Банк” такдим этаётган хизмат турларидан бирини танлайди.

1.6. “Мижоз” Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ёки мобил илова орқали “Банк” хизмат турларидан фойдаланиш учун авваламбор “Сотувчи” такдим этаётган маҳсулотлардан бирини танлайди ва шундан сўнг “Банк” хизмат турларидан ўзига маъқулини танлаб, ушбу хизматдан фойдаланиш учун ариза қолдиради ва талаб этиладиган барча маълумотларни такдим этиш мажбуриятини олади.

1.7. Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ёки мобил иловада “Банк” таклиф этаётган хизмат турлари тўғрисидаги маълумотлардан ташқари “Сотувчилар” таклиф этаётган маҳсулотлар ва уларнинг нархлари ҳақида маълумотлар мавжуд бўлади.

## **2. МАҲСУЛОТ НАРХИ**

2.1. “Мижоз” томонидан сотиб олинаётган ҳар бир маҳсулотнинг нархи Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловада кўрсатилган.

2.2. Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловага жойлаштирилган ҳар бир маҳсулотнинг нархи алоҳида “Сотувчи”лар томонидан мустақил белгиланади.

2.3. Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловага жойлаштирилган ҳар бир маҳсулотнинг нархи Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси-Сўмда кўрсатилади.

2.4. “Сотувчи”лар томонидан Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловага жойлаштирилган ҳар бир маҳсулотнинг нархини “Сотувчи” бир томонлама тарафларни огоҳлантирмасдан Товар позицияси учун нархларни ўзгартириш ҳуқуқига эга.

2.5. Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил илова “Мижоз” томонидан буюртма берилган маҳсулотларнинг нархини “Сотувчи” томонидан “Мижоз”нинг манфаатига зид келадиган ҳолатлар бўйича (яъни маҳсулотларнинг нархини ошириш позицияси бўйича) ўзгартириш ҳуқуқи чекланади.

## **3. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ.**

3.1. Мазкур шартнома Оммавий оферта шартномаси ҳисобланиб, Тарафлар учун унинг шартларини муҳокамаларсиз қабул қилинишини белгилайди. Шартнома “Мижоз” томонидан Электрон хизмат кўрсатиш

майдончаси ёки мобил илова орқали буюртма берилиб тасдиқланганидан сўнг кучга кирган ҳисобланади.

3.3. Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловадаги график тасвир-намуналари кўринишида тақдим этилган маҳсулотлар Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил илова яратувчисининг хусусий мулки ҳисобланади.

3.4. “Мижоз” сўровига асосан “Банк” Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловадаги таклиф этилган хизмат турлари бўйича, “Сотувчи”лар эса ўз маҳсулотлари тўғрисидаги (телефон ёки электрон почта орқали) “Мижоз” учун зарурий ва субъектив нигоҳда етарли ҳисобланган маълумотни маҳсулот харидига доир қарор қабул қилиниши учун тақдим этишга мажбурдирлар.

3.5. “Мижоз”лар таклиф этилган Банк хизматларидан бирини расмийлаштириш учун ариза қолдириши мазкур шартнома талабларига эътирозсиз равишда розилигини англатади.

3.6. Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил илова орқали “Банк” тақдим этган муайян хизмат туридан фойдаланиб маҳсулотни сотиб олган “Мижоз” мазкур шартнома доирасида ҳамда шартлари асосида нафақат “Банк” билан, балки “Сотувчи” билан ҳам савдо муносабатларига киришган шахс сифатида баҳоланади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

4.1. “Мижоз”нинг мажбуриятлари:

4.1.1 “Мижоз” шартномани тасдиқлаш олдидан ундаги маълумотлар ва шартлар, “Банк” таклиф этаётган хизмат турларининг шартлари, табиати, юзага келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан, қолаверса “Сотувчи” Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловага жойлаштирилган маҳсулотларнинг нархлари ва у билан боғлиқ маълумотлар билан тўлиқ танишиб чиқиши лозим.

4.1.2 “Сотувчи” ўз мажбуриятларини бажариши учун “Мижоз” уни миждоз сифатида аниқлашга ёрдам берадиган ва маҳсулотни етказиб бериш хизматидан фойдаланилган тақдирда бунинг учун керакли барча маълумотларни “Сотувчи”га тақдим этиши лозим бўлади.

4.1.3 “Мижоз” Оферта шартномаси доирасида “Банк” хизматидан фойдаланиш орқали буюртма берилган маҳсулот ва уни етказиб бериш хизмати учун тўловни амалга ошириши лозим (Агар ушбу турдаги тўловлар “Сотувчи” томонидан белгиланган бўлса).

4.1.4 “Сотувчи” ҳамда “Мижоз” ўртасида юзага келиши мумкин бўлган турли баҳсли ҳолатларни олдини олиш мақсадида буюртмани расмийлаштириш вақтида “Сотувчи” томонидан Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловага жойлаштирилган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар билан батафсил танишиб чиқиши лозим.

4.2. “Сотувчи”нинг мажбуриятлари:

4.2.1 “Сотувчи” томонидан Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловага жойлаштирилган маҳсулотлар тўғрисида батафсил маълумотлар киритиши шарт.

4.2.2 “Сотувчи” томонидан Электрон хизмат кўрсатиш майдончасига жойлаштирилган маҳсулотлар тўғрисида киритилган маълумотлар ва уларнинг аниқлиги ва тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

4.2.3 “Мижоз” томонидан танланган ва буюртма берилган товарни “Сотувчи” томонидан 3 (уч) банк иш куни давомида етказиб берилиши таъминланади.

4.2.3 “Сотувчи” томонидан етказилган маҳсулот у томонидан тавсифлагандек сифатли бўлмаса ёки бошқа маълумотларга номутаносиб бўлганлигини “Мижоз” томонидан исботланган тақдирда, қайтариб олинган товар учун тўловлар нақд пулда ёки “Мижоз”нинг бошқа ҳисоб рақамларига ўтказилишига йўл қўйилмайди ва тўлов бир банк иш кунидан кечиктирмасдан “Мижоз”нинг олган қарзни сўндириш учун йўналтирилади.

4.3. “Банк”нинг мажбуриятлари:

4.3.1 “Мижоз” томонидан Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловага жойлаштирилган маҳсулотлар хариди жараёнида ушбу маҳсулотларни ўзининг эҳтиёжидан келиб чиқиб қарз тартибидан олиш истаги билдирилганида унинг қарз олиш талабини “Мижоз”нинг тўлов қобилиятдан келиб чиқиб қарз ажратиш.

4.4. “Мижоз”нинг ҳуқуқлари:

4.4.1 Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловага жойлаштирилган маҳсулотларни харид қилиш, маҳсулотларнинг тавсифи бўйича “Сотувчи”дан қўшимча маълумотларни сўраб олиш.

4.4.2 Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловада харид қилинган маҳсулотларни “Сотувчи” тавсифлагандек сифатли бўлмаса ёки бошқа маълумотларга номутаносиб бўлган тақдирда маҳсулотнинг қадоғи очилмаган ҳолда “Сотувчи”га қаётариш.

4.5. “Сотувчи”нинг ҳуқуқлари:

4.5.1 “Мижоз”дан харид қилинган маҳсулотларнинг етказиб берилиши тўғрисида унинг етказиш манзили ва бошқа аниқлик киритилиши лозим бўлган маълумотларни талаб қилиш.

4.6. “Банк”нинг ҳуқуқлари:

4.6.1 Ажратилган маблағларини “Мижоз”томонидан ўз вақтида тўланишини талаб қилиш.

4.6.2 Ажратилган маблағларини “Мижоз”томонидан ўз вақтида тўланмаган тақдирда суд органларига мурожаат қилиш орқали ундириш чораларини кўриш ва ундириш учун банк “Сотувчи”дан “Мижоз” ҳақидаги қўшимча (товар етказилган жой, товар ҳақидаги ва ҳ.к.) маълумотлар ҳамда кўмак талаб қилишга ҳақли.

## **5. БУЮРТМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

5.1. Маҳсулотларга “Мижоз” томонидан Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси орқали буюртма берилади.

5.2. Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил иловада рўйхатдан ўтиш вақтида Мижоз қуйидаги маълумотларни тақдим қилиши лозим.

5.2.1 Мижознинг фамилияси, исми, отасининг исми;

5.2.2 Товар етказиб бериладиган манзил;

5.2.3 Электрон почта манзили;

5.2.4 Боғланиш учун телефон рақами.

5.3 “Мижоз” Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил илова орқали мазкур оферта шартномасини тасдиқлаш орқали маҳсулот учун буюртмани расмийлаштирган бўлса “Сотувчи” маҳсулотни етказиб бериш билан ёки унинг бошқа жиҳатлари билан боғлиқ маълумотларни “Мижоз”дан сўраш ҳуқуқига ега.

## **6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

6.1 Мазкур оферта шартномаси “Мижоз” Электрон хизмат кўрсатиш майдончаси ва мобил илова орқали маҳсулот харид қилиш тўғрисида аризани тасдиқлаганидан сўнг қонуний кучга киради.

6.2 Тарафлар ушбу шартнома шартлари доирасида бир бирларининг мажбуриятлари учун жавобгар емас.